

Каралиев Т.М. - ТМИ профессори
Қурбонов Р.Б. – ТМИ ўқитувчisi

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ушбу мақолада микрокредит ташкилотларининг операциялари, микрокредит ташкилотларининг сони, таркиби ва уларнинг худудлараро жойлашуви ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга тегшили тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: микрокредит ташкилотлари, микрокредит, микроқарз, микролизинг микромолиялаш, микромолиявий хизматлар.

В статье даются рекомендации по операциям микрокредитных организаций, количество, структура и расположение этих организаций по территории, а также, совершенствовании их деятельности

Ключевые слова: микрокредитные организации, микрокредит, микродолг, микролизинг, микрофинансирование, микрофинансовые услуги.

In article are given recommendations regarding to the operations of microcredit organizations, number of these organizations', structure and their location by territory as well as, development of their activity.

Key words: microcredit organizations, microkredit, microdebt, microlease, microfinancing, microfinancial services.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳаётлари фаровонлигини таъминлашда микромолиявий хизматларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, аҳоли ўртасида микромолиявий хизматларга бўлган талабнинг кучайиши маҳаллий микрокредит ташкилотлари фаолиятини халқаро талаблар даражасига олиб чиқиши ва сифатли хизмат турларини таклиф этишни талаб этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг дастлабки даврларида уларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тижорат банкларига муқобил равишда нобанк кредит ташкилотларининг ҳам аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият қўрсатаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-хуқуқий базаси янада такомиллаштирилиши микрокредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва фаолияти кўламини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги 50-сонли “Микромолиялаш тўғрисида”ги, 2006 йил 20 сентябрдаги 53-сонли “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунлари ва уларга асосланган ҳолда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 2006 йил 7 октябрдаги №24/4 “Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги меъёрий ҳужжатлар микрокредит ташкилотлари учун

зарур ҳуқуқий механизмни яратиб, улар сонини тез суръатларда ўсишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорида, айнан, нобанк ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Бунда нобанк ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, микрокредитлаш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмларини кенгайтириш, нобанк ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари тармоғини кенгайтириш, нобанк ташкилотларида ҳисоб юритилишини, улар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш усусларини янада такомиллаштириш, ахборот-алоқа технологияларини жорий этиш, нобанк ташкилотлари ходимларининг малакаларини ошириш, микромолиялаш соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни кенг ёритиш шулар жумласидандир[1].



1-расм. Микрокредит ташкилотлари операциялари таснифи[2]*.


Бугунги кунда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салмоқли ўрин эгаллааб келаётган кичик

*“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун асосида муаллиф ишланмаси

бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришда микрокредитлаш ташкилотлари фаолиятини муунтазам равишида такомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда албатта, микрокредит ташкилотларининг асосий операцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг операцияларини актив ва пассив операцияларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда микрокредит ташкилотлари молия бозорида ўз ўрнига эга бўлсада, улар фаолиятини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Масалан, уларда ҳанузгача пул маблағларини бошқариш, халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисботларни тузиш, уларни таҳлил қилиш каби халқаро тажриба ва кўнималарга бўлган эҳтиёжи катта. Шу боис, Ўзбекистонда кичик бизнес ва микромолиялашни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб қилиш асосида кичик бизнес субъектларига кўпроқ молиявий ёрдам кўрсатиш, микрокредит ташкилотлари сонини кўпайтириш, унинг меъёрий-ҳукуқий базасини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятини самарали назорат қилишни мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни амалга ошириш талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектларини микрокредит ташкилотлари томонидан фаол молиялаштириш, ўз навбатида, уларнинг сони, кўрсатаётган хизматлар сифати, устав капитали, ресурслари, активларига ҳам боғлиқ бўлади.



2-расм. Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари сони[3] (1 январ холатига, дона)

Расм маълумотларидан кўринадики, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига микрокредит ташкилотлари сони жами 27 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2010 йил 1 январь ҳолатига 32 тани ташкил этган эди. Ҳозирги кунга келиб микрокредит ташкилотларининг сони 28 тани ташкил қилмоқда. Аммо микрокредит ташкилотларининг ривожланиш тенденсияси ўзгариб турган.

Кўриб турганингиздек, микрокредит ташкилотларини ташкил этиш ҳолати талаб даражасида эмас. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг микрокредит ташкилотлари хизматларидан кенг кўламда фойдаланиш имконини бермайди ва истиқболда микрокредит ташкилотларини ташкил этиш бўйича маҳсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотларига кўра, жами микрокредит ташкилотларининг 26 фоизи Тошкент шаҳрида ва 19 фоизи Фарғона вилоятида фаолият кўрсатгани ҳолда, Андижон ва Навоий вилоятларида биронта ҳам микрокредит ташкилоти ҳозирда фаолият юритмаяпти. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу вилоятларда ҳам микрокредит ташкилотларини ташкил этилиши ўзининг ижобий натижасини беради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида микрокредит ташкилотларининг умумий сони ва жойлашуви [3], дона

Ҳудудлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	3	3	3	2	1	1	1
Андижон	1	1	1	0	0	0	0
Бухоро	3	4	4	3	3	3	3
Жizzах	0	0	0	0	1	1	1
Қашқадарё	2	3	3	3	2	2	2
Навоий	2	2	2	1	1	-	-
Наманган	2	2	0	1	1	1	1
Самарқанд	2	2	2	2	2	1	1
Сурхондарё	2	2	2	1	1	1	1
Сирдарё	0	0	0	1	1	1	1
Тошкент вил.	4	4	4	4	3	3	3
Фарғона	3	3	3	3	3	3	5
Хоразм	0	1	1	1	1	1	1
Тошкент ш.	8	8	7	7	6	7	7
Жами	32	35	32	29	26	25	27

Жадвал маълумотларидан микрокредит ташкилотларининг Ўзбекистон ҳудудлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, жами сони бўйича Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда, яъни 7 та, ундан кейинги ўринларни Фарғона, Тошкент вилояти, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари эгаллайди. Бундай ҳолат микрокредит ташкилотларининг республика ҳудудлари бўйича номутаносиблигини ҳамда ушбу ташкилотлар фаолияти ривожланмаганлиги билдиради.

Шундай бўлса-да, 2015 йилда микрокредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жами активлари қолдиғи 2014 йилдагига нисбатан 30,2 фоизга ошиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 67,5 млрд. сўмга, капитали 25,3 фоизга ошиб, 46,7 млрд. сўмга ва ажратилган кредит ва кўрсатилган лизинг хизматлари қолдиғи 24,2 фоизга ошиб, 54,4 млрд. сўмга етди [4].

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, микрокредит ташкилотлари томонидан микромолиялаш аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-

кувватлаш ва кичик тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш воситаси сифатида ривожланиши учун, фикримизча, амалдаги қонунчилик доирасида энг мақбул микромолиявий ташкилотлар моделлари ва уларнинг фаолият қўрсатиш схемаларининг фаол ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши, шунингдек, кредит муносабатларининг мазкур ўзига хос шаклини ва алоҳида мижозлар гурухларининг эҳтиёжлари, хусусиятларини инобатга олган ҳолда микромолиялашнинг турли услубиётларини қўллашга имкон яратадиган меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш талаб этилади.

Микрокредит ташкилотларининг амалдаги қонунчилик асосида самарали фаолият олиб боришлари учун, уларнинг банклар билан ҳамкорликда ишлашлари бўйича мавжуд муаммолар етарлича ўрганилиб чиқилиши лозим. Энг асосийси, бу ташкилотларнинг ҳаётийлигини, ўз маблағларини вақтида қайтариб олиш ва у бўйича даромад ишлаш ҳамда барқарор фаолият юритишини таъминлаштириб. Бундай тузилмаларнинг яратилиши кўп сонли кичик ишлаб чиқаришларни қўллаб-кувватлаш ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга аҳоли кенг қатламини жалб қилишга олиб келади[5].

Хулоса қилиб айтганда, микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича қонунларнинг такомиллаштириш: 1) микромолиялаш билан боғлиқ фаолиятни тартиба соловчи ягона ҳуқуқий базанинг шаклланишига; 2) микромолиявий хизмат қўрсатувчи ташкилотлар маблағларидан фойдаланиш имконини таъминлашга; 3) аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар қўрсатишга ихтисослашган микромолиявий ташкилотлар тузиш ва фаолиятини ривожлантиришга; 4) микрокредитлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим, бу ерда уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш ва доимий ликвидлигини таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилиши лозим; 5) микромолиялаш жараёнини тартиба солиш асосида микрокредит ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга имконият яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг қўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда

3. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

4. Муллажонов Ф. -“2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар

сиёсатнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит журнали. 2016. №1. 14-23 бетлар

5. Каралиев Т, Наврӯзова К. Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Ўқув қўлланма Т.: “Иқтисод-молия” 2014 йил 140 б.